Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2020 йил 15 декабрь, № 264 (7766) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Почта алоқаси тизими бугунги кунда мамлакат ҳудудларида хат ва почта жўнатмалари билан бир қаторда товарларни етказиб бериш, банк, молия ва давлат хизматларини кўрсатиш бўйича ўз инфратузилмасига эга бўлган муҳим соҳа ҳисобланади.

“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти мамлакатимизнинг почта алоқаси миллий оператори сифатида республика миқёсида 2 мингга яқин почта алоқаси объектига эга бўлиб, барча аҳоли пунктларини қамраб олган.

Шу билан бирга, Миллий оператор тармоғини ривожлантириш бўйича етарлича чоралар кўрилмаганлиги оқибатида Умумжаҳон почта иттифоқининг **Почта ривожланиши индекси глобал рейтингида Ўзбекистон 93-ўринда** қолмоқда.

Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, почта алоқаси хизматларини тақдим этиш фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш орқали Почта ривожланиши индекси глобал рейтингида мамлакатимизни **биринчи 50 таликка киритиш** мақсадида:

1. Қуйидагилар почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

а) хат-хабар ташиш ва курьерлик хизматларини ривожлантириш бўйича:

почта ва курьерлик хизматларини тақдим этиш фаолияти билан шуғулланиб келаётган маҳаллий ва хорижий компаниялар билан ҳамкорликда **“якуний манзил” хизматини жорий этиш**;

почта алоқасининг анъанавий хизматларини такомиллаштириш, уларни рақамлаштириш, **жўнатмаларни қабул қилиш, кузатиб бориш ва етказиш жараёнларига ахборот технологиялари ва тизимларини жорий этиш** орқали аҳоли, бизнес ва давлат идораларига замонавий хизматларни тақдим этиш;

“Гибрид почта” жўнатмаларини қабул қилиш ва етказиб бериш хизматлари сонини **2 баробарга** ошириш;

б) электрон тижорат бозоридаги фаолиятни ривожлантириш бўйича:

маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини онлайн сотиш ва мижозларга етказиб бериш имкониятини берувчи **электрон савдо майдончаси ахборот** тизимини яратиш;

логистика марказларини ташкил этиш, **товарларни сақлаш ва етказиб беришни ўз ичига олган хизматларни йўлга қўйиш** ва ривожлантириш;

в) хизматлар бозоридаги почта алоқаси фаолиятини ривожлантириш бўйича:

почта алоқаси объектлари орқали тўловларни онлайн режимда қабул қилиш автоматлаштирилган тизимини модернизациялаш ва унинг мобиль иловасини ишлаб чиқиш;

республиканинг камида **1 000 та почта бўлимида**, айниқса, **олис ва чекка ҳудудларда молиявий хизматлар** турларини, хусусан, аҳолидан тўловлар қабул қилишни **икки баробарга кенгайтириш ҳамда** аутсорсинг асосида **банк хизматлари** кўрсатилишини йўлга қўйиш;

олис ва чекка ҳудудлардаги почта бўлимида **давлат хизматлари кўрсатилишини йўлга қўйиш**;

почта алоқаси соҳасида жорий этилаётган янги хизмат турларини инобатга олган ҳолда Миллий оператор тизимида фаолият юритувчи кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, эл-юртимиз дастурхонини янада фаровон қилишда фидойи қишлоқ хўжалиги ходимлари бундан кейин ҳам ўзларининг бор билим ва тажрибаларини, куч-ғайрат ва имкониятларини сафарбар этадилар, деб қатъий ишонаман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригидан

НАТИЖАЛАР ЗАЛВАРЛИ, РЕЖАЛАР УЛКАН

Жойларда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни кенг нишонланди.

Шукуҳ

Мамлакатимизда дунёдаги энг қадимий ва олижаноб касб эгалари ҳисобланган, эл-юрт дастурхонини тўкин ҳамда фаровон этадиган ғоят муҳим соҳанинг залварли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган қишлоқ хўжалиги ходимларининг фидойи меҳнати ҳамиша эътиборда. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ходимлари куни юртимиз бўйлаб кенг нишонланиб, соҳа вакиллари муносиб тақдирланди.

2

ЎЗБЕКИСТОН ЕОИИДА КУЗАТУВЧИ МАҚОМИДА УНИНГ ПАСТ-БАЛАНДИНИ БИЛИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛАДИ

Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш масаласи халқимизнинг, ҳар бир фуқаронинг манфаатларига бевосита таъсир этувчи жуда жиддий масаладир. Бу ҳамкорлик натижаларини олдиндан баҳолаш, прогноз қилиш мураккаб жараён.

Нуқтаи назар

Шунинг учун ЎзХДП фракцияси ушбу масаладаги парламентдаги муҳокамаларда, биринчи навбатда, давлатимиз, халқимиз ва миллатимизнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиш ҳамда барча фуқароларнинг хоҳиш-иродасига таяниш лозим, деган хулосани берган эди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ЕОИИ ҳузуридаги кузатувчи давлат мақомига эга бўлиши мамлакатимизга бу тузилмани яқиндан ўрганиш, амалий хулосалар қилиш, паст-баландини таҳлил этиш имкониятини беради. Мураккаб ва таҳликали замонда қийинчиликларни якка ҳолда енгиб чиқиш мумкин эмас, шу билан бирга, ҳамкорлик мақсади ва йўналишини халқ манфаатлари нуқтаи назаридан тўғри белгилаш зарур.

Дунёни ларзага солган, катта қудратга эга давлатларнинг ҳам иқтисодиётини издан чиқариб юбораётган коронавирус пандемияси даврида ҳар қандай мамлакат учун иқтисодий интеграцияни кенгайтириш долзарб масала бўлиб қоляпти. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш, иқтисодиётимизга инвестициялар киритиш ҳамда олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга интилувчи халқаро ташкилот ва давлатлар сони ошаётганини ҳам ҳисобга олиш зарур.

3

Халқаро форум

ПАРЛАМЕНТНИНГ АЁЛ АЪЗОЛАРИ ПЛАТФОРМАСИ ЯРАТИЛАДИ

Пойтахтимизда “Ўзбекистон тараққиётида парламентдаги аёлларнинг роли” мавзуида илк халқаро форум ўтказилди.

Олий Мажлис Сенати ҳамда Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия томонидан БМТ Тараққиёт дастури ва ЕХХТ билан ҳамкорликда ташкил этилган форумда парламент аъзолари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, халқаро экспертлар қатнашди.

Анжуманни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан очар экан, бугунги глобаллашув шароитида хотин-қизларнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишдаги иштироки муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Шу боис мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган.

Ўтган йилги сайлов якунлари бўйича парламентнинг қуйи палатасига 48 нафар аёл депутат этиб сайланди. Бу депутатлар умумий сонининг 32 фоизини, Сенатда эса 25 фоизни ташкил этяпти. Ўзбекистон тарихида илк маротаба миллий парламентда хотин-қизлар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та парламент орасида 37-ўринга кўтарилди.

3

ХОРАЗМНИНГ КЕЛГУСИ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ДАСТУРЛАР

Президентимиз ислоҳотларнинг маҳаллабай тизимда қандай йўлга қўйилгани, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни кўриш, навбатдаги устувор режаларни белгилаш мақсадида шу йилнинг 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятида бўлди.

Мамлакат раҳбарининг жойлардаги учрашувлари, ёшлар билан кечган самимий мулоқотлар, янги лойиҳалар тақдимотларини юртдошларимиз катта қизиқиш билан кузатди.

Айниқса, вилоят фаоллари билан учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар ҳамда Хоразмнинг келгуси тараққиётини белгилаб берувчи дастурлар воҳа аҳли томонидан зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Муносабат

ЖАҲОН ТУРИЗМ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНАДИ

Давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи чоғида Хива шаҳрида инфратузилмани яхшилаш, туризм ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш лойиҳалари билан танишиб, бир қатор топшириқларни берди.

Ушбу лойиҳаларда “ўсиш нуқтаси” сифатида иккита асосий йўналиш, туризм ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш танлаб олинган бўлиб, бу борада шаҳримизда фойдаланилмаётган имкониятлар жуда катта.

Айни кунда шаҳарда 3 400 ўринга эга 120 та меҳмонхона ҳамда меҳмон уйлари фаолият кўрсатмоқда. Эндиликда уларнинг сиғимини ўн минг ўринга етказиш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, Ичан қалъа ҳудудидаги маҳаллаларда яшовчи аҳолини туризм хизматлари кўрсатиш йўналишида ўқитиш борасида режалар белгилаб олинди.

2

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

ЕР КОДЕКСИНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРИДА НИМАЛАР АКС ЭТМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, амалдаги Ер кодекси 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган бўлиб, ҳозирги вақтга қадар унга бир неча бор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлса-да, ўтган 22 йил давомида янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмаган.

Амалдаги кодексда йигирмадан зиёд ҳаволаки нормалар мавжудлиги, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш, ер участкаларининг хусусий мулкдорларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ер участкалари билан боғлиқ зарарларни қоплаш бўйича нормаларнинг йўқлиги бугунги кунда бир қатор масалаларнинг амалиётда ҳуқуқий ечимини топишда қийинчилик туғдиряпти. Бу эса янги таҳрирдаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни тақозо этяпти.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 15 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Қуйидагилар:

2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси соҳасини ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ;

2021 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси соҳасини ривожлантиришнинг **мақсадли кўрсаткичлари** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қуйидагиларни инобатга олувчи **2021 йилда 42 та намунавий туманларда (шаҳарларда) почта алоқаси корхоналарини трансформация қилиш лойиҳаларини кўзда тутувчи "Йўл харита"ларини** 3–16-иловаларга мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

а) почта биноларини қайта қуриш ва таъмирлаш ҳамда улардан унумли фойдаланиш бўйича:

267 та почта алоқаси бўлими **биносини таъмирлаш**;

110 та бинони давлат-хусусий шериклик асосида замонавий кўринишда **қайта қуриш** бўйича келишувга эришиш;

б) телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича:

326 та почта алоқаси бўлимигача **754 км. оптик толали алоқа линияларини тортиш**;

250 та почта алоқаси бўлимини **замонавий компьютер техникаси ва мобиль қурилмалар** билан таъминлаш;

в) почта алоқаси боғламасининг молиявий ва иқтисодий аҳволини яхшилаш ҳамда почта хизматларини кўрсатиш бўйича:

42 та туман почта алоқаси боғламасида **"Гибрид почта"** жўнатмаларини чоп этиш ва унга ишлов берган ҳолда олувчиларга етказиб беришни йўлга қўйиш;

230 та почта алоқаси бўлимида **банк хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш**;

55 та қўшимча почта алоқаси бўлимини очиш ҳисобидан **145 та янги иш ўрни яратиш.**

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М.Садиков) ҳамда Миллий оператор (А.Н.Файзуллаев):

2021 йил 1 февралга қадар онлайн савдо майдончасини ишга тушириб, маҳсулотларни республика бўйича, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда савдога олиб чиқиш, Миллий оператор тармоқларидан фойдаланиб, сотилган маҳсулотларни манзилларга етказиб бериш тизимини жорий этсин;

АТ "Алоқабанк" (К.Н.Ирисбекова) билан биргаликда **2021 йил 1 мартга қадар** почта алоқасининг **анъанавий ва жорий этилаётган янги хизматлари бўйича малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, ўқув марказини ташкил қилсин** ҳамда **2021 йил** якунига қадар **2 000 та**, **2022 йилда барча ходимларнинг** малакаси оширилишини таъминласин;

2021 йил 1 апрелга қадар Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида биттадан почта алоқаси объектида мижозлар номига келган почта жўнатмаларини олиш учун мўлжалланган **ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи автоматлаштирилган комплексларни (почтамат)** жорий этиш бўйича синов/намунавий лойиҳаларни амалга оширсин ва **2021 йил якунига қадар** яна 150 та объектда ушбу хизматни жорий этиш чораларини кўрсин;

2021 йил 1 июлга қадар почта жўнатмаларини қабул қилиш, саралаш ва онлайн кузатиш имконини берувчи **автоматлашган тизимни ишга туширсин** ҳамда маҳаллий ва хорижий курьерлик компаниялари билан ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда уларнинг тизимларига интеграция қилсин;

2021 йил 1 майга қадар тижорат банклари билан биргаликда банк пластик карталарига почта алоқаси бўлимлари орқали тўлиқ хизмат кўрсатиш (карталарни маблағ билан тўлдириш, нақд пул ечиш, жисмоний шахсларни идентификация қилиш) тизимини жорий этсин;

2021 йил 1 июлга қадар почта тармоқлари орқали аутсорсинг асосида тижорат банклари номидан жисмоний шахсларга кредит бериш тўғрисида аризаларни қабул қилиш, кредитларни сўндириш бўйича тўловларни қабул қилиш, юридик шахслар кунлик савдо тушумини қабул қилиш каби банк хизматлари кўрсатишни жорий қилишни таъминласин;

2021 йил якунига қадар интернет-дўконлари товарларини сақлаш ва етказиб бериш хизматларини ўз ичига олган **4 та логистика марказини ташкил этсин**.

5. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, тижорат банкларининг "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятининг **100 миллиард сўм микдордаги оддий акцияларини қўшимча чиқариш** ҳамда мазкур акцияларни 17-иловада келтирилган корхона ва ташкилотлар орасида жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2020 — 2024 йиллар якунига кўра Миллий оператор устав капиталидаги давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендлар почта алоқаси тармоғини ривожлантириш, ахборот тизимларини жорий этиш ва кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш учун устав капиталини ошириш (капитализация қилиш) шарти билан Миллий оператор ихтиёрида қолдирилсин.

6. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Миллий оператор Адлия вазирлиги билан биргаликда **2021 йил 1 апрелдан** бошлаб олис ва чекка ҳудудларда жойлашган почта алоқаси объектларида камида **13 та турдаги давлат хизмати аутсорсинг асосида ташкил этилишини таъминласин.**

Бунда почта алоқаси хизмати ҳақи кўрсатилган давлат хизматлари учун тўланадиган давлат божлари, йиғимлари ва барча турдаги тўловлар суммасининг 10 фоизи миқдорида белгиланади ва Давлат хизматлари агентлиги томонидан маблағларнинг ўзига йўналтириладиган қисми ҳисобидан тўлаб берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги "Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва суғурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4337-сон ҳамда 2020 йил 7 майдаги "Экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4707-сон қарорларига мувофиқ жорий этилган маҳсулотларни экспорт қилишда **автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорида компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш механизми** маҳсулотларни экспорт қилишда **почта жўнатмалари орқали ташиш харажатларига** ҳам татбиқ этилсин.

Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.У.Умурзаков) бир ой муддатда маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га маҳсулотларни экспорт қилишда почта жўнатмалари орқали ташиш харажатларини қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш шартлари, миқдорлари ва тартибини тасдиқласин.

8. Миллий оператор **2022 йил якунига қадар** ушбу қарор билан белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган автомототранспорт воситалари, ускуналар, қурилмалар, моддий-техника ресурслари, дастурий таъминот ва хизматларни импорт қилишда божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

9. Мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Бош вазир маслаҳатчиси — IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М.Умаров — мазкур қарорда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши устидан тизимли назоратни ташкил этади;

ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М.Садиков — почта алоқаси тизимини ривожлантириш масалалари бўйича оператор ва провайдерларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, шунингдек, ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 15-санасига қадар ушбу қарор билан тасдиқланган "Йўл харита"лари ижроси тўғрисида умумлашган таҳлилий маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари — аҳоли гавжум жойларда устувор равишда почта алоқаси хизматларини кўрсатиш объектлари учун ер ажратиш, почта биноларидан самарали фойдаланиш, уларни замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабларига мослаштиришни таъминлайди, шунингдек, ташкил этилаётган онлайн савдо майдончасига маҳаллий маҳсулотларни жойлаштириш ишларига тадбиркорларни кенг жалб қилади;

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Бош директори в.б. А.Н.Файзуллаев — қарор билан тасдиқланган "Йўл харита"ларида "Ўзбекистон почтаси" АЖ олдига қўйилган вазифалар ҳамда чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлайди.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ҳамда шахсий жавобгар этиб Бош вазир маслаҳатчиси О.М.Умаров ва ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М.Садиков белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 14 декабрь

НАТИЖАЛАР ЗАЛВАРЛИ, РЕЖАЛАР УЛКАН

1

Хусусан, бу йил **Фарғона вилоятида** 9 та пахта-тўқимачилик, 13 та ғаллачилик, 20 та мева-сабзавотчилик ҳамда 2 та чорвачилик кластерлари томонидан маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш, экспорт қилиш борасида салмоқли ютуқларга эришилди. Президентимизнинг қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган байрам табригида ғаллачилик соҳасида эришган ютуқлари учун Ёзёвон туманидаги "Баҳромбек" фермер хўжалиги, Риштон туманидаги "Қаҳрамон" ғаллачилик кластери ҳамда пахтачилик соҳасида Учкўприк туманидаги "Миржалол Гулистон дурдонаси" фермер хўжалиги ютуқлари алоҳида эътироф этилди. Бу вилоятдаги барча қишлоқ хўжалиги ходимларига мамнуният бағишлади.

Бу ҳақда Фарғона шаҳридаги "Файз" тантаналар мажмуасида бўлиб ўтган тантанали байрам тадбирида сўз борди. Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров соҳа ходимларини байрам билан табриклаб, бу йил эришилган ютуқларга тўхталди ва келгуси йилнинг муҳим вазифаларига эътибор қаратди.

Сурхондарё вилоятида асосий байрам тадбири Термиздаги санъат саройида бўлиб ўтди. Тадбир аввалида Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов йиғилганларни муборакбод этиб, эл-юрт фаровонлигини деҳқон ва фермерлар, томорқа эгалари, чорвадор ҳамда пиллакорлар меҳнатларисиз тасаввур этиб бўлмаслигини таъкидлади.

Жорий йилда вилоятда 528 минг тонна ғалла, 201 минг тонна пахта, 1 661 тонна пилла, 133,5 минг тонна гўшт ва 570 минг тонна сут маҳсулотлари, 300 миллион дона тухум, 675 тонна асал, 2023 тонна балиқ маҳсулотлари, 286,5 минг тонна картошка, 834 минг тонна сабзавот, 195,5 минг тонна полиз, 116 минг тонна мева, 80 минг тонна узум етиштирилгани шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Жорий йилда **Жиззах вилоятида** 684 минг тонна ғалла, 220 минг тонна пахта, 730 тонна пилла, 440 минг тонна мева-сабзавот, 615 минг тонна гўшт ва сут маҳсулотлари ҳамда 231 миллион дона тухум етиштирилди. Юртимизда биринчи марта Бахмал туманида 400 гектар майдонга дунё бозорида килоси 10 минг АҚШ долларига баҳоланадиган шафран экиш йўлга қўйилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 41,3 минг тоннаси қайта ишланиб, 26,8 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилинди. Айниқса, пахтачиликда эришилган ютуқлар салмоқли бўлди. Жорий йилда пахтачилик кооперация ва кластерлари томонидан 220,9 минг тонна ёки шартномавий режага нисбатан 100,7 фоиз микдорида пахта хом ашёси етиштирилди. Бу йилги етиштирилган пахта хом ашёсини ўтган йилга солиштирганда, етиштирилган пахта 33 180 тоннага, ўртача ҳосилдорлик 4,2 центнерга ошганини кўриш мумкин.

Жиззах шаҳридаги вилоят мусиқали драма театри ва "Яккасарой" тантаналар мажмуасида қишлоқ хўжалиги ходимларининг касб байрами кўтаринки руҳда нишонланди. Тадбир иштирокчиларини Жиззах вилоят ҳокими Эргаш Солиев қутлар экан, вилоятдаги ўзгариш ва янгиланишларда қишлоқ хўжалиги ходимларининг ҳиссаси юқори эканлигини таъкидлади.

Самарқанд вилоятидаги байрам тадбирига қишлоқ хўжалигида юқори ҳосилдорликка эришган фермер-деҳқонлар, томорқачилар, сувчи-ирригатор, механизаторлар, олим ва агрономлар ҳамда жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов вилоят қишлоқ хўжалиги ходимларини жорий йил қийинчиликларига қарамасдан эришган муваффақиятлари, соҳадаги ютуқлари билан табриклаб, бу йилги натижаларга тўхталди.

Вилоятда ҳозирги кунда жами 44 та кластер, жумладан, 10 та пахта-тўқимачилик, 15 та ғаллачилик, 13 та мева-сабзавотчилик, 5 та картошкачилик ва битта доривор ўсимликларни етиштирувчи кластерлар фаолияти йўлга қўйилиб, уларга 151,9 минг гектар ер майдони бириктирилгани. Жорий йилда "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойили асосида 96 та маҳалла сабзавот, полиз ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилди. Пилладан йилига тўрт марта ҳосил олиш эвазига 12 миллион АҚШ долларига тенг ипак ва ипак маҳсулотлари экспорт қилинаётир. Сувни тежаш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида бу йил 12,2 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилди. 104,9 миллион АҚШ доллари қийматидаги 133,5 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари Россия, Хитой, Туркия, Украина, АҚШ, Польша, Германия, Канада каби 53 та давлатга экспорт қилинди. Лойиҳа қиймати 206,7 миллиард сўмлик умумий қуввати 20 минг тоннага эга бўлган 7 та мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш корхоналари барпо этилиб, 205 та қўшимча иш ўринлари яратилди.

Наманган вилояти қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари учун вилоят марказидаги "Диёр" мажмуасида тантанали байрам тадбири ташкил этилди. Айтиш лозимки, жорий деҳқончилик йили вилоят аграр соҳаси учун ҳам баракали ва омадли келди. Фермер хўжаликлари томонидан 1 805 тоннадан зиёд пилла, 414,4 минг тонна ғалла ва 211,5 минг тонна пахта етиштирилди.

Эътиборли жиҳати, вилоят экспортида деҳқон ва соҳибкорлар, қайта ишловчиларнинг улуши ортиб бормоқда. Хусусан, якунланаётган йилда улар томонидан умумий қиймати 106,3 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташқи бозорга чиқарилди.

Байрам иштирокчиларини қутлаган вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Шавкатжон Абдураззоқов эришилган ютуқларни эътироф этди ва келгуси йил вазифаларига эътибор қаратди.

Якунига етаётган йилда **сирдарёлик** деҳқонлар ғалла тайёрлаш давлат шартномавий режасини жуда қисқа муддат — 17 кунда бажариб, республикамиз бўйича иккинчи бўлиб маррага етдилар. Яъни 85 минг гектар майдондан жами 178 255 тонна сара дон хирмони яратилиб, давлат шартномавий режаси 100,2 фоизга бажарилди. Ҳосилдорлик ўртача 58 центнерни ташкил этди. Шунингдек, сирдарёликлар пахта етиштириш бўйича ҳам пешқадамлар safidan жой олди.

Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасида соҳа ходимлари кунига бағишлаб ўтказилган тантанали тадбирда ана шу ва тизимнинг бошқа йўналишларида эришилган ютуқлар эътироф этилди.

Сирдарё туманида байрам муносабати билан кўпкари мусобақаси ташкил қилинди. Ушбу миллий от спорти беллашувларида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан чавандозлар иштирок этди.

Бу йил **Навоий вилояти** қишлоқ хўжалиги ходимлари 931 тонна пилла, 207 313 тонна ғалла, 110,5 минг тоннадан ортиқ пахта хирмони яратиб, бу борада зиммаларига олган шартномани шараф билан уддалади. Шунингдек, вилоят деҳқон-фермерлари томонидан 194,7 минг тоннадан ортиқ сабзавот, 69 минг тоннадан зиёд мева етиштирилиб, 20,1 миллион АҚШ долларилик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди.

Байрам муносабати билан ташкил этилган тантанали тадбирда соҳа фидойилари — фермер ва деҳқонлар, механизатор ҳамда сувчилар, илғор томорқа эгалари иштирок этди.

Тадбир аввалида вилоят ҳокими Қобул Турсунов қишлоқ хўжалиги ходимларини байрам ва эришилган ютуқлар билан қутлаб, жорий йилда соҳада олиб борилган ислоҳотлар натижаларнинг омили бўлганлигини эътироф этди.

Бухоро вилояти ҳокимлигида қишлоқ хўжалиги соҳасида фидойиларча меҳнат қилиб, элимиз дастурхонини тўкин этишда жонбозлик кўрсатаётган деҳқонлардан бир гуруҳи касб байрами билан қутланди. Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ботир Зарипов тўпланганлар ва улар тимсолида вилоят деҳқон-фермерларини, уларга ҳар жабҳада кўмакдош бўлаётган агросаноат мажмуи ходимларини табриклади.

Маросимда бир гуруҳ миришкорлар тақдирланди. Улар орасида "Намунали томорқачи" кўкрак нишонига сазовор бўлган олотлик Шермуҳаммад Набиев ҳам бор.

— Шу йилнинг баҳорида юз берган табиий офат оқибатида экинзорлар, боғ-роғлар жиддий зарар кўрди, — дейди у. — Лекин қўл қовуштириб турмадик. Томорқанинг ҳар қарич еридан имкон қадар кўп ҳосил олиш, бозорни, рўзғоримизни тўкин этиш мақсадида меҳнат қилдик. Интилганга толе ёр, деганларидек, 7 сотихли иссиқхонамиз, 10 сотих майдондаги боғ ва токзордан дурустгина ҳосил олдик. Чамалаб кўрсам, оилавий даромадимиз 50 миллион сўмдан кам эмас. Касб байрамимиз муносабати билан давлатимиз раҳбари табригида шаънимизга айтилган фикрлар кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида ўтказилган байрам тадбирида соҳанинг илғор ходимлари, қишлоқ хўжалиги соҳасига алоқадор корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Тадбирда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқиб, Президентимизнинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди. Воҳа қишлоқ хўжалиги ривожига улкан ҳисса қўшган фидойи деҳқон ва фермер, механизатор, сувчи ва ирригаторлар ҳамда олим ва мутахассисларни байрам билан самимий муборакбод этди.

Жорий йилги қийинчиликларга қарамасдан вилоят деҳқонлари томонидан 19 триллион 904 миллион сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Қувонарлиси, бу йил 384 минг тонна ғалла деҳқон ва фермерлар ихтиёрида қолдирилди.

Бу йил Ғузор туманида илк бор соя ўсимлиги парваришланиб, мўл ҳосил олингани мисолида янги турдаги экинни келгусида кенг майдонларда экиш ва вилоятда ёғ-мой саноатини ривожлантириш имкониятлари ошиб бораётганини кузатиш мумкин. Чироқчи ва Косон тумани соҳибкорлари етиштирган 12,4 минг тонна тарвуз ва қовун экспорт қилинди.

Байрам тадбирида Чироқчи туманидаги "Жўра бобо Бойқулов" фермер хўжалиги раҳбари Холмурод Бойқулов жорий йилда вилоят фермерлари орасида энг юқори натижага эришгани учун "Nexia-3" автомашинаси билан тақдирланди.

Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган байрам тантаналарида қишлоқ хўжалиги соҳасида фидойилик кўрсатган илғорларга "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги фидойиси", "Илғор фермер", "Меҳнаткаш деҳқон", "Намунали томорқачи", "Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги аълочиси" ва "Меҳрсаховат" кўкрак нишонлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

«Халқ сўзи».

ХОМ АШЁДАН — ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

Юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида "хом ашёдан — тайёр маҳсулотгача" тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Биз бу борада тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, Элликқалъа туманида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш, пахтачилик йўналишида кластер ташкил қилиш бўйича бир неча лойиҳаларни амалга ошердик. Дастлаб "BO'STON MEGA TEKSTIL" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилиб, йиллик қуввати 5 минг тонна калава ип ва 10 миллион метр кв. жинси матоси ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича янги корхона фаолиятини йўлга қўйдик. Ушбу лойиҳани амалга оширишда Германия, Хитой, Япония ва Бельгиядан замонавий тўқув ускуналари олиб келиб ўрнатдик.

350 га яқин ишчи-ходимлар меҳнат қилаётган корхонада бугунги кунга қадар Хитой ва Туркия давлатларига жами қиймати 3100 минг АҚШ долларига тенг бўлган тайёр маҳсулот экспорт қилинди.

Иккинчи лойиҳамиз йилига 5 минг тонна калава ип ва 3,5 минг тонна юмшоқ сочиқ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, у "BO'STON OPTIMAL TEKSTIL" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилди. Бугунги кунда ушбу лойиҳа ҳам ишга туширилиб, яна 350 киши иш билан таъминланди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эса, асосан, Россияга экспорт қилинмоқда.

Ҳозирги кунда фермерлардан харид қилинган пахта хом ашёси жамиятга қарашли пахта тозалаш заводларида қайта ишланиб, жамиятга қарашли ип-йигирув ва тўқув фабрикаларида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Пахтачилик кластерини ташкил қилишимиз "хом ашёдан — тайёр маҳсулотгача" бўлган занжирни таъминлаш билан бирга иқтисодиётимиз барқарорлашувига замин яратмоқда. Бу борадаги ишларимиз кўламини янада кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз.

Отабек БОБОЖОНОВ,
«Bo'ston Cluster» МЧЖ директори (Қорақалпоғистон Республикаси).

ХОРАЗМНИНГ КЕЛГУСИ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ДАСТУРЛАР

1

Бундан икки йил аввал Президентимиз ташаббуси билан Хива шаҳригача темир йўл тармоғи барпо этилиб, шаҳримизда замонавий вокзал биноси фойдаланишга топширилган эди. Тошкент — Хива йўналишида поездлар қатновининг йўлга қўйилиши сайёҳлар оқимининг кўпайишида муҳим омил бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида ички туризмни ривожлантириш учун транспорт хизматларини яхшилаш, хусусан, Фарғона водийсидан авиа ва темир йўл қатновини йўлга қўйиб, бунинг дастлабки даврида 30 фоизлик чегирма қўллаш бўйича кўрсатма берди. Салоҳиятли мамлакатлардан Урганчга доимий ҳамда чартер рейслар ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Бу аҳолига хизмат кўрсатиш борасида янги қулайликларни яратиб бериши билан аҳамиятлидир.

Фуқароларни узоқ йиллардан буён қийнаб келаётган муаммолардан бири, бу — тоза ичимлик суви таъминоти ҳамда канализация масаласи эди. Ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва оқова сув тизимини реконструкция қилиш учун қиймати 40 миллион евро бўлган йирик лойиҳа амалга оширилади.

Умуман, бугунги кунда ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни тугатиш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва бошқа йўналишларга оид кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқдаки, бунинг натижасида Хива яқин йилларда жаҳон туризм марказларидан бирига айланади.

Собиржон ЖУМАНИЁЗОВ,
Хива шаҳар ҳокими.

«МАҲАЛЛА РАИСИ — ИСЛОҲОТЧИ» ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

Юртбошимиз вилоятимизда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги улкан ислоҳотлар амалга оширилаётгани ва эндиликда ушбу йўналишдаги ишларни маҳаллабай ташкил қилиш лозимлигига алоҳида урғу берди.

Тўғри, ўтган йилларда "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" дастурлари асосида маҳаллаларда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бироқ аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган вазифалар турибди.

Шу маънода, Президентимизнинг шаҳар ва туманларда иқтисодий комплекс, яъни солиқ, молия, бандлик, инвестиция, тадбиркорлик ва бошқа масалаларга масъул раҳбарларни маҳаллаларга бириктириш тўғрисидаги таклифи жуда ўринли бўлди. Бу бизга ўз худудимиздаги муаммолар бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига талаб қўйиш, "маҳалла раиси — ислоҳотчи" тамойили асосида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Маҳалламизда ўттизта оила "темир дафтар"га, юздан зиёд ишсиз хотин-қизлар "аёллар дафтари"га, яна юзга яқин иш билан банд бўлмаган йигит-қизлар "ёшлар дафтари"га киритилган. Имтиёзли кредитлар ҳисобига ихчам иссиқхоналар қуриш, чорва моллари боқишни йўлга қўйиш ҳамда такрорий экинлар экиш учун йигирма сотихдан ер ажратиб бериш орқали "темир дафтар"га киритилган ўттизта оиланинг 26 тасини камбағалликдан чиқардик.

"Ҳунарманд" уюшмаси кўмаги билан ипакдан гилам тўқиш лойиҳасини амалга ошириб, "аёллар дафтари"га кирган ўттиз нафар хотин-қизни ишли қилиш чорасини кўряпмиз. Маҳалламиздаги учта тикувчилик цехига 15 нафар аёлни ишга жойлаштирдик. Ўн нафар ёшнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун бизнес лойиҳалари тайёр. Шу тариқа ҳар бир оилага алоҳида ёндашиб, уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашга ҳаракат қиляпмиз.

Яна бир жиҳат. Президентимизнинг шоли етиштиришда шаффоф тизимни йўлга қўйиш, уни экиш учун имконият яратиш орқали маҳаллаларда эҳтиёжманд оилалар даромадини ошириш тўғрисидаги таклифи айни муддао бўлди.

Бундай тизимнинг жорий этилиши туфайли сердаромад экин бўлган шоли етиштиришдаги муаммоларга барҳам берилади, ижтимоий адолат қарор топади, кўплаб оилалар иқтисодий манфаат кўради.

Назира ДАВЛЕТОВА,
Боғот туманидаги «Маданият» МФЙ раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.

ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Давлатимиз раҳбари корхонамиз фаолияти, ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечириш билан бирга, амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар билан ҳам танишиб зарур кўрсатма ҳамда топшириқлар берди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, корхонамизнинг имкониятлари жуда катта. Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу корхона маҳсулотларига нафақат ички бозорда, балки қўшни мамлакатларда ҳам талаб бор. Шу боис бу ерда қўшимча янги турдаги техника воситалари ишлаб чиқариш, экспорт имкониятларини излаб топиш ҳаракатидамиз.

Корхонамиз 2014 йилда фаолият бошлаган бўлиб, ҳозирда бу ерда 13 турдаги экскаватор, 10 турдаги қурилиш ва автомобиль йўлларини таъмирловчи техника воситалари ишлаб чиқариляпти.

Илгари мамлакатимизда қурилиш ва сув хўжалиги тизимлари учун зарур бўлган бундай техника воситалари Хитойдан келтирилар, эҳтиёт қисмлар таъминоти ҳамда сервис хизмати кўрсатишда муайян қийинчиликлар мавжуд эди. Корхонамизнинг ишга туширилиши бундай муаммоларга ечим топиш баробарида, ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ирригация ва мелиорация тадбирларини ўз вақтида самарали амалга ошириш имконини беряпти.

Қўшма корхона фаолиятини такомиллаштириш мақсадида жорий йил Хитойнинг "XCMG" корпорацияси томонидан қиймати 4,3 миллион долларлик йиғув линияси ва ускуналар олиб келинди. Натижада келаси йилда бу ерда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси 51 фоизга етказилади. Бу тайёрланаётган техника воситалари таннархи пасайиши, рақобатдошлигини таъминлаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, импортни камайтириш орқали валюта ресурсларини тежаш имконини беради.

Алибек ИШЧАНОВ,
"UzXCMG" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси бош директори.

(«Халқ сўзи»).

АКАДЕМИК ИБРОҲИМЖОН ИСКАНДАРОВ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Атоқли олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Иброҳимжон Искандаров шу йил 13 декабрь куни 88 ёшида вафот этди.

И. Искандаров 1932 йил 8 майда Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятида туғилди. 1953 йилда Тошкент молия-иқтисод институтини тамомлади. Москва давлат иқтисодиёт институти аспирантурасида таҳсил олиб, 1962 йилда номзодлик, 1970 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1979 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Меҳнат фаолиятини Бухоро вилояти молия бўлимида бошлади. Турли йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида масъул ишларда, Ўзбекистон Республикаси Давлат режа қўмитасида раҳбарлик лавозимларида, Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) ректори вазифасида самарали меҳнат қилди.

У ўзининг қарийб 60 йиллик илмий ва ташкилотчилик фаолияти давомида республикамизда иқтисодиёт соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. Хусусан, республикада енгил саноат ривожининг иқтисодий муаммоларини ечиш, пахтачилик ва пахтани қайта ишлаш корхоналари ўртасида иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, қулай ишлаб чиқариш омиллари асосида кўп тармоқли тўқимачилик мажмуаларини ташкил этиш, уларни юксалтириш ва иқтисодий самарадорлигини асослаш бўйича назарий ва амалий тадқиқотларни амалга оширди.

Унинг иқтисодиёт йўналишига бағишланган 500 дан зиёд илмий мақолалари, китоб ва монографиялари юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг эътироф этилган.

Талабчан ва жонкуяр устоз кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ бериб, 50 дан ортиқ фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлади.

Академик И. Искандаровнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти совриндори ва "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Йирик олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Иброҳимжон Искандаровнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

МУҲИМ ЎЗГАРТИШЛАР ВА ЯНГИ НОРМАЛАР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда парламент қуйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фракцияларда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг видеоконференцалоқа тарзидаги йиғилишида дастлаб Президентимизнинг шу йил 12-13 декабрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида белгилаб берилган топшириқлар ва ундан келиб чиқадиган муҳим вазифалар ижроси муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи воҳада давом этаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтариши қайд этилиб, бу борада партия ва унинг парламентдаги фракцияси олдида турган долзарб вазифалар белгилаб олинди. Шундан сўнг, фракция аъзолари Давлат бюджети ҳақидаги маълумотлар, бу борада жамоатчилик фикрларига эътибор қаратди. Жорий йил давлат ғазнасидан ажратилган катта миқдордаги маблағлар айнан қайси соҳани ривожлантириш ва сарфлангани, ўтган йили тасдиқланган "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонун ижроси қай даражада таъминлангани каби саволлар ўртага ташланди.

"2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида шу каби саволларга жавоб изланди.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан лойиҳани пишиқ-пухта тайёрлаш бўйича билдирилган таклиф ҳамда тавсиялар инобатга олинди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида коронавирус пандемияси шароитида мамлакатимиз ҳукумати томонидан глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, иқтисодиёт тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, тадбиркорларни, айниқса, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида муҳим ўзгаришлар амалга оширилганини қайд этдилар.

Шу нуқтаи назардан, "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунига жорий йил давомида Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 5,5 миллиард АҚШ доллари, шундан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган чора-тадбирларни молиялаштириш учун 2,5 миллиард АҚШ долларигача миқдорда белгиланиши бўйича ўзгартиш киритиляпти.

Депутатлар пандемия шароитидаги мисли кўрилмаган иқтисодий ўзгаришлар тезкор қарорлар қабул қилиш, қўшимча маблағлар ажратиш заруратини пайдо қилганини, асосийси, бундай муҳим ўзгаришлар сабаб юртимизда пандемияни жиловлашга эришилганини қайд этиб, ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватладилар.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси атрофлича муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг амалиётга жорий этилиши билан миллий оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг профессионал фаолияти учун янги самарали механизмларни жорий этишга имконият яратилади. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тўғрисидаги маълумотларни эркин олишлари ҳамда уларнинг фаолиятига аралашмаслик бўйича қўшимча кафолатлар белгиланади.

Ёлғон ахборотни тарқатганлик учун юридик жавобгарлик чораларининг татбиқ этилиши фуқароларнинг ахборот ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коммуникация тизимига долзарб ва ишончли ахборотларнинг киритилиши, шунингдек, жамиятимиз осойишталиги ва барқарорлигини таъминлашга қўмаклашади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари ўртасида Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутадиган қонун лойиҳаси қизғин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Бу қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган айрим меъёрлар зарурати юқори бўлса, бошқа айрим меъёрлар очиқлик, фикр билдириш ҳуқуқи нуқтаи назаридан демократик ёндашувни талаб этади. Масалан, қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи ахборотни оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация ёки интернет тармоқларига жойлаштирганлик учун ҳам жавобгарликни белгилаш кўзда тутилаётир.

Кодекснинг амалдаги таҳририга кўра, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш ҳаракатлари учун эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Янги қонун лойиҳасига кўра, бундай ҳаракатлар учун жарима миқдорини ошириш, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан тўрт юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан тўрт юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиш ҳақидаги меъёрни киритиш таклиф этилмоқда.

Депутатлар жамиятда, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлаш, интернет орқали кенг тарқалаётган, болалар, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотларни тарқатганлик, тарғиб қилганлик бўйича жавобгарлик кучайтирилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлашди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси атрофлича таҳлил қилинди. Қонуннинг 16-моддаси биринчи қисмига ташқи қарзни жалб этишга оид имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми бўйича киритилаётган ўзгартишга эътибор қаратилди.

Унга кўра, белгиланаётган 5,5 миллиард АҚШ долларидан Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш ва лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган чора-тадбирларни молиялаштиришга 2,5 миллиард АҚШ долларигача миқдорда маблағ йўналтирилиши назарда тутилмоқда. Таъкидланганидек, бу ўзгартишга қадар ушбу чеклов ҳажми 4 миллиард АҚШ доллари этиб белгиланган эди.

Фракциялар йиғилишларида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

СТРАТЕГИЯ ВА ЛОЙИҲАЛАРДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ҚАЙ АҲВОЛДА?

Кеча Олий Мажлис Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2019 — 2028 йилларда Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясида белгиланган вазифаларнинг жорий йилдаги ижроси тўғрисида ахбороти эшитилди.

Қўшма йиғилиш

Таъкидланганидек, Стратегия доирасида Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Президент Фармони қабул қилиниб, қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида 4 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилган.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан маиший ҳамда қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, чиқиндиларни қайта ишлаш, соҳага тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этишнинг янги тартиби жорий қилинди. Шу билан бирга, барча ҳудудда тегишли инфратузилма яратилган. Жумладан, санитар тозалаш соҳасида 13 та "Тоза ҳудуд" ДУК ва уларнинг 174 та филиали, "Махсустранс" ДУК ҳамда 101 та хусусий корхона фаолияти йўлга қўйилган.

Маиший чиқиндиларни бошқариш, инфратузилмани ривожлантириш, полигонларни оптималлаштириш, қайта юклаш станцияси ва чиқиндиларни қайта ишлаш объектларини қуриш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш соҳасида хорижий инвестор ҳамда халқаро молия ташкилотлари билан умумий қиймати 364 миллион долларлик 5 та лойиҳа ҳам амалга оширилмоқда.

Йиғилишда эришилган натижалар билан бирга, соҳада айрим муаммолар мавжудлиги ҳам айтилди. Масалан, маиший ҳамда қурилиш чиқиндиларини белгиланмаган жойларга ташлаб кетиш ҳолатлари шу йилнинг тўққиз ойида 20 минг 605 тани ташкил этган, яъни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 200 фоизга ортган. Маиший чиқиндиларни олиб чиқиш қамрови кам бўлгани боис ноқонуний чиқиндихоналар пайдо бўляпти. Қолаверса, улар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасига хусусий сектор вакилларини жалб этиш қониқарсиз аҳволда.

Президентнинг тегишли қарори билан юртимиз ҳудудида қалинлиги 40 микрондан кам бўлган полимер плёнкали пакетларни ишлаб чиқариш тақиқланган бўлса-да, уларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг Осиё тараққиёт банки иштирокидаги "Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳасини тасдиқлаш ҳамда жорий йил охиригача тасдиқланган дастур асосида чиқинди ташиш техникаларини молиялаштириш, уларни сотиб олиш ишлари тўла ниҳоясига етказилмаган.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида "Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида эски полигонларни рекультивация қилиш ва янги полигонларни яратиш" ҳамда Корея Республикасининг "Sejin G&E Co., Ltd" компанияси иштирокида "Тошкент вилоятининг "Оҳангарон" ва "Майдонтол" маиший чиқиндилар полигонларида ҳосил бўладиган чиқинди газини қайта ишлаш ҳисобига электр энергиясини ишлаб чиқариш" лойиҳаларида белгиланган тадбирларнинг муддатида бажарилишини назоратга олиш зарурлиги қайд этилди.

Якунда қўмиталарнинг қўшма қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН ЕОИИДА КУЗАТУВЧИ МАҚОМИДА УНИНГ ПАСТ-БАЛАНДИНИ БИЛИШ ИМКОНИГА ЭГА БЎЛАДИ

1

Халқ демократик партияси фракцияси Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш юзасидан қуйидагиларни таъкидлаган эди.

Биринчидан, бундай ҳамкорлик Ўзбекистон учун меҳнат миграциясидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда яхши имкониятлар яратиши, хусусан, ушбу ташкилотга кирувчи мамлакатларда ишлаб юрган Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий ҳимоясига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш стратегик вазифа даражасига кўтарилган. Бунинг учун салоҳиятли ва барқарор истеъмол бозори зарур бўлади. Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш транспорт харажатларини камайтириш, тарифсиз тўсиқларни оптималлаштириш, тўқимачилик саноатининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширишга хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган мева-сабзавот махсулотларимиз экспортини амалга оширишда иттифоққа аъзо мамлакатлар салоҳиятли истеъмол бозори бўла олади.

Ташкилот ҳузурида кузатувчи мақомида ҳамкорлик қилиш давлатимизга халқимизнинг устувор манфаатларидан келиб чиқиб, якунда энг тўғри қарорга келиш имкониятини беради, деб ҳисоблаймиз.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
ЎзХДП фракцияси раҳбари.

ПАРЛАМЕНТНИНГ АЁЛ АЪЗОЛАРИ ПЛАТФОРМАСИ ЯРАТИЛАДИ

1

Форумда вакиллик органларига сайланган депутат аёлларнинг фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ўзларига берилган ваколатлардан кенгроқ фойдаланишига оид бир қатор масалалар мавжудлиги, уларни ҳал қилиш нуқтаи назаридан парламентнинг аёл аъзолари платформасини яратиш, хотин-қизларнинг сиёсий майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди. Хотин-қизлар парламент бирлашмасини ташкил этиш борасида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилиб, унинг умумий стратегияси ҳамда ҳаракат йўналишлари белгилаб олинди.

Анжуман доирасида юртимиз тараққиётида парламентдаги аёлларнинг ўрнини кучайтиришга оид таклифлар, янги ғояларни кўриб чиқиш мақсадида иштирокчилар бешта йўналишда муҳокамани давом эттирди. Хусусан, вакиллик органларига сайланган депутат аёлларнинг Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштирокига алоҳида урғу берилди. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг мамлакатимиз иқтисодий ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришдаги фаолияти истиқболлари хусусида ҳам сўз юритилди.

Илм-фан, таълим-тарбия ҳамда инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жараёнларига хотин-қизларни кенг жалб қилиш борасидаги масала ҳам қизғин муҳокамаларга бой бўлди. Қайд этилганидек, бугунги кунда фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга аёллар 25 фоизни, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга аёллар эса 20 фоизни ташкил этаётгани соҳада хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, тадбирда оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоялаш, улар ўртасида юзага келаётган салбий иллатларнинг олдини олишда парламент ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим эканлиги, бунда парламент ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Якунда билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

ЕР КОДЕКСИНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРИДА НИМАЛАР АКС ЭТМОҚДА?

1

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги, жумладан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан белгиланган мақсадда оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиш ҳолатларини ҳамда ер хусусидаги низоларни ҳал этишда ваколатга эга давлат органларининг функциялари амалдаги таҳрирда белгиланмагани ҳам кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишга асос бўлди.

Тадбирда Ер кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг аҳамиятли жиҳатларига урғу берилди.

Қайд этилганидек, ушбу ҳужжат 20 боб, 160 моддадан иборат бўлиб, 67 та янгидан ишлаб чиқилган моддалар билан тўлдирилган. Шунингдек, амалдаги Ер кодексидан 8 та модда бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги сабабли, лойиҳадан чиқарилган, қолган амалдаги Ер кодексининг барча моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, қонун лойиҳаси ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ва ерга оид асосий тушунчаларни ёритиб берувчи алоҳида янги модда билан тўлдирилмоқда.

Кодекс лойиҳасида, шунингдек, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ва принциплари, ер муносабатларини тартибга солишда давлат бошқаруви ва уларнинг ваколатлари, ер фонди тоифалари, ерларнинг турлари ва уларни бир тоифадан (турдан) бошқасига ўтказиш тартиби, ер участкаларининг хусусиятлари, ер тузиш соҳасига оид материаллар ва маълумотларнинг тўлиқлиги, ерга оид масалаларни кўриб чиқувчи доимий комиссияларнинг таркиби ва уларга юклатилган масалаларнинг ҳуқуқий асослари акс эттириляпти.

Ер фонди тоифалари соддалаштирилиши билан бирга, Давлат ер кадастри соҳасидаги муносабатлар, жумладан, ер участкасини кадастр рақамлаш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиши ва уларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ерларнинг миқдорини ва сифат кўрсаткичларини ҳисобга олиш, уларнинг қиймат баҳосини аниқлаш, туман (шаҳар) ер кадастри дафтари ва навбатчи ер кадастри харитасини юритиш, ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги миллий ҳисоботни тайёрлаш ва Давлат ер кадастри ҳужжатлари юритиш соҳасидаги "Давергеодезкадастр" қўмитаси тизими ваколатлари аниқ белгилаб қўйилаётир.

Қизғин муҳокамалардан сўнг, ушбу кодекс лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ:

МУАММО ВА КАМЧИЛИКЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан "Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш борасида мавжуд муаммолар ва вазифалар" мавзуида семинар ўтказилди.

Семинарда соҳага оид қабул қилинган ҳужжатларда белгиланган вазифалар, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашдаги муаммолар ҳамда камчиликлар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, амалдаги қонунчилик кўп жиҳатдан озиқ-овқат хавфсизлигининг барча жиҳатларини қамраб олмаслиги, уларда санитария ва фитосанитария чораларини қўллашнинг асосий қоидалари, санитария талаблари ва хавфсизлик параметрлари халқаро стандартларга, гигиена ва ишлаб чиқариш амалиётига мос келмаслиги таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, 2017 — 2019 йиллар давомида озиқ-овқатдан заҳарланишларнинг 166 та ҳолати қайд этилган бўлиб, уларда 1 810 нафар фуқаро (шундан 539 нафари болалар) жабрланган, 18 киши вафот этган. Бу, асосан, жамоат объектларида аҳолининг овқатдан гуруҳли заҳарланиш ҳолатлари кўпайиши ҳисобига тўғри келмоқда. Ачинарлиси, овқатдан заҳарланиш ҳолатлари мактабларда ва мактабгача таълим муассасаларида ҳам қайд этиляпти.

2017 — 2019 йиллар давомида сифати ва хавфсизлигини кафолатловчи ҳужжатлари бўлмаган, лаборатория текширувлари бўйича хавфсизлик кўрсаткичлари талабига жавоб бермаган 9 465,68 тонна турли озиқ-овқат маҳсулотлари йўқ қилинган.

Муҳокамаларда қайд этилган камчиликлардан келиб чиқиб, 1997 йилда қабул қилинган "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунни такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларига тўхталиб ўтилди. Шу билан бирга, замонавий лабораторияларни ташкил қилиш, синов лабораторияларида илмий-инновацион тадқиқотларни олиб бориш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг илғор усул ва услубларидан фойдаланиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Якунда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, соҳадаги қонунчиликни халқаро меъёрлар билан уйғунлаштириш, соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан парламент назоратини олиб бориш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Аввал хабар берилганидек, шу йил 18 декабрь куни Олий Мажлис Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади. Унда юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим бўлган қатор масалалар кўрилиши режалаштирилган. Шу кунларда мазкур масалалар парламент юқори палатаси қўмиталарида дастлабки тарзда муҳокама қилинмоқда.

Сенатнинг ялпи мажлиси олдидан

Келаси йил учун Давлат бюджетида нималар ҳисобга олинмоқда?

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси мажлисида "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги, "Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлар кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни Бюджет кодексининг 83-моддасига мувофиқ ишлаб чиқилган. Унда 2021 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози, консолидациялашган Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари прогнози ва 2022 — 2023 йиллар учун бюджет мўлжаллари белгиланган.

Макроиқтисодий сиёсатнинг 2021 йил учун асосий йўналишлари ва кўрсаткичлари келгуси йилда ҳам коронавирус пандемияси давом этиши эҳтимолидан келиб чиқиб шакллантирилган. Бунда асосий эътибор макроиқтисодий барқарорликни сақлаш, фискал рағбатлантириш чораларини мўътадиллаштириш, иқтисодий ўсиш суръатлари 5 фоиздан юқори бўлишини таъминлашга қаратилган.

Инфляция даражаси пасайиш тенденцияси давом этиши ва 2021 йилда унинг 10 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинган. Мазкур ривожланиш кўрсаткичларига ҳар бир соҳада бошланган таркибий ислоҳотларни сифатли давом эттириш орқали эришиши назарда тутилган. Ушбу мақсадлардан келиб чиқиб, 2021 йилда Консолидациялашган бюджет даромадлари 178,5 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотнинг 25,9 фоиз даражасида прогноз қилинмоқда.

2021 йилда Давлат бюджети даромадлари 147,2 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотнинг 21,3 фоиз миқдорида, Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни инобатга олмаган ҳолда 149,9 трлн. сўм миқдорида белгиланган.

Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари 26,2 трлн. сўм миқдорида, харажатлари 40,8 трлн. сўм миқдорида режалаштирилмоқда.

"Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан давлат молиясини, бюджет тизими ва бюджет жараёнини такомиллаштириш мақсадида Бюджет ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ва "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиляпти.

Шу билан бирга, "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисда Давлат бюджетининг 2020 йил 9 ойлик ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ахбороти ҳам кўриб чиқилди.

Аниқланган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида эса бир қатор қонунлар билан бирга, адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахбороти, Наманган вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳақидаги ҳисоботи ҳамда 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ижро этилишининг бориши каби масалалар кўриб чиқилди.

Айни чоғда фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, мавжуд муаммолар ва уларни баратараф этиш борасида таклифлар ишлаб чиқишга эътибор қаратилди ҳамда билдирилган фикрлар умумлаштирилди.

Бундан ташқари, қўмита ҳузуридаги Экспертлар кенгаши таркибини қайта кўриб чиқиш, Кенгашга вазирлик ва идораларда соҳа бўйича фаолият олиб бораётган етакчи олимлар, илмий ходимлар, етук мутахассисларни жалб қилиш масаласи муҳокама қилинди. Номзодлар сенаторлар томонидан кўриб чиқилди ва Экспертлар кенгаши таркиби тасдиқланди.

Мажлисда ижтимоий соҳа объектларини табиий ва суюлтирилган газ, кўмир ва электр энергияси билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати таҳлил қилинди. Ўз навбатида, сенаторлар ижтимоий соҳа объектларига етказиб берилаётган кўмирдан фойдаланиш, уларни сақлаш ҳолати бўйича аниқланган камчиликларга эътибор қаратди.

Шу билан бирга, тадбирда қўмита аъзолари Ш. Сагдуллаев ва Б. Бўтаеванинг 2020 йил давомидаги фаолияти юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти қандай?

Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида Сенат аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари, парламент юқори палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда Сенатнинг ўнинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилиши режалаштирилган бир қатор масалалар, хусусан, қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2020 йил тўққиз ойидаги ижроси атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди ва давлат органлари ҳамда ташкилотларида норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти қандай, деган масалага жавоб берилди.

Шунингдек, Наманган вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳақидаги ҳисоботи ҳамда 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ижро этилишининг бориши тўғрисидаги масала дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Қизғин кечган тадбирда сенаторлар томонидан шу масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қўмиталар мажлисларида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2020 йил 15 декабрь

ХАЛҚИМИЗНИНГ МАДАНИЙ МЕРОСИ БИЗГА ДОИМО КУЧ-ҚУВВАТ ВА ИЛҲОМ БАҒИШЛАЙДИ

Шу йилнинг 15 — 18 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида IV анъанавий маданий мерос ҳафталиги бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли тадбир муносабати билан Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти Бошқаруви раиси Фирдавс АБДУҲОЛИҚОВдан юртимизда маданият ва санъатни янада ривожлантириш, жумладан, халқимизнинг маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борада мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари хусусида суҳбатлашдик.

Бизнинг интервью

— Мамлакатимизда тараққиётнинг янги даври бошланди. Ҳар бир соҳада ўзгариш, янгиланиш юз бермоқда. Айни пайтда талаблар ҳам бошқача. Шу маънода, Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти бугунги кунда қандай мезонлар асосида фаолият юритмоқда?

— Жамиятимизда, онгу тафаккуримизда бугун юз бераётган янгиланиш жараёнлари, шубҳасиз, Президентимиз бошлаб берган мамлакатимизда янги уйғониш даври — учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ташаббуси ва ғоясига таянган, десак, муболаға эмас. Шу маънода, бугунги кунда ҳар бир соҳа ривожида бир олий мезон устувордир, у ҳам бўлса, Ўзбекистонни дунёнинг мутараққий давлатлари қаторига олиб чиқиш, халқимизнинг маданиятини, маънавиятини янада юксалтириш, миллий ғурурини бойитиш, фаровон ва тўкис ҳаётга эришиш, азалий орзуларини рўёбга чиқариш.

Хўш, бу улуғвор мақсадларга қандай эришилади? Танлаган йўлимиздан оғишмаслик учун бизга нима маёқ бўлади? Юксак марраларга олға интилишимиз учун нима куч, руҳ беради? Бу долзарб саволларга Президентимиз аниқ жавобни берган: буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим.

Ушбу ёндашувнинг нақадар оқилона ва одилона эканини кўҳна тарих бир неча бор исбот этган. Жумладан, она тупроғимизда юз очган ҳар иккала Ренессанс ҳам мустаҳкам маънавий-мафкуравий негизда, биринчи галда юксак илм-фан ютуқлари, ахлоқийлик, адолат, бағрикенглик ғояларига содиқлик асосида юз берган. Шу маънода, айтиш мумкинки, умуммиллий уйғонишнинг ҳар иккаласи пойдеворида ҳам тарих, этнография, манбашунослик, санъатшунослик, нумизматика, археология сингари соҳалар етакчилар қаторида турган. Мисол учун, хоҳ биринчи Ренессанс даврида яшаган Беруниийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” ёхуд Хоразмийнинг “Китоб ат-таърих” асарларини олайлик, хоҳ иккинчи тамаддуннинг асосчиларидан бири бўлган султон Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асари ёки Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки ажам” ва “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарларига эътибор берайлик, улар миллатнинг ўзлигини англатишга, моддий ва маънавий бойлигини асраб-авайлаб, келгуси авлодларга бус-бутун етказишга, миллий ғурурини юксалтиришга, халқни эзгу мақсадлар сари руҳлантиришга хизмат қилган.

Демак, аниқ хулосага келиш мумкинки, айнан маданий меросни ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш учинчи Ренессанс йўлида амалга оширилаётган ишларда ҳам ўзига хос локомотив бўла олади. Давлатимиз томонидан бугунги кунда ушбу соҳаларга берилаётган эътибор эса яна бир бор халқимиз олдида ўз тарихий миссиясини бажаришига ҳеч қандай шак-шубҳа қолдирмайди.

— Шу ўринда жамият томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталсангиз. Улар Ўзбекистонда янги Ренессанс пойдеворини яратишдек улуғвор ташаббусни ҳаётга татбиқ этишда қандай аҳамият касб этиши мумкин?

— Дунёда мамлакатлар, элу элатлар бисёр, лекин бизнинг халқимиздек бой ва бетакрор маданий меросга эга халқлар дунёда у қадар кўп эмас. Аммо, афсуски, бу нодир хазина турли сабаблар билан бутун дунёга тарқаб кетган. Уларни топиш, ўрганиш, имкони бўлса, юртимизга қайтариш ёки нусхаларини олиб келиш, бутун жаҳонга кенг намойиш этиш жамиятимиз томонидан амалга оширилаётган ишларнинг мағзини ташкил этади.

2018 йилда тамал тоши қўйилган Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти, аввало, давлатимиз раҳбарининг халқимиз маданий меросини тадқиқ ва тарғиб этиш қўламини кенгайтиришга қаратаётган юксак эътибори, бу борада қабул қилинаётган бир қатор фармон ва қарорлар ижросини таъминлашга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, бу борада кенг қамровли тадқиқотларни олиб боришда умумэътироф этилган, халқаро меъёрлар, тажрибадан ўтган методларга таянган ҳолда иш иш олиб бормоқда.

Айни пайтда дунёнинг 50 га яқин мамлакатларидан тарих, этнография, манбашунослик, санъатшунослик, шарқшунослик, нумизматика, археология сингари соҳаларда фаолият олиб бораётган 400 га яқин етук олимларни қамраб олганмиз. Бизни битта умумий жиҳат бирлаштиради — Ўзбекистон маданий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш ва муҳаббат. Жамият аъзоларини саралашда узоқ йиллик кузатувларимиз натижаларига таяндик. Энг муҳими, бу олимларни шу пайтга қадар ҳеч ким халқимизнинг маданий меросини ўрганишга ундамаган. Улар ўз ихтиёри, хоҳиши ва иштиёқи билан ана шу эзгу ишга киришганлар.

Биз олиб бораётган “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” мегалойиҳаси дунё миқёсида Ўзбекистоннинг буюк тарихи ва бебаҳо маънавий бойлиги билан боғлиқ бадиий асарлар, қўлёзмалар ҳамда ҳужжатларни тўплаш, ўрганиш, нашр этиш ва ҳужжатли фильмлар яратишни ўз ичига олади. Лойиҳа натижасида ҳозирги кунгача 30 та китоб-альбом чоп этилди ва яна 20 дан ортиқ ҳужжатли фильмлар суратга олинди.

Бугунги кунда жаҳоннинг етук олимлари билан биргаликда амалга ошираётган ишларимиз бебаҳо маданий меросимизнинг бизга, умуман, дунё жамоатчилигига номаълум қирраларини кашф этишга хизмат қилмоқда. Мисол учун, Германияда сақланаётган, Ўзбекистонга тегишли экспонатлар ҳақида алоҳида китоб-альбом чоп этдик. Айтиш жоизки, Германияда сақланаётган ҳар бир коллекция ўзига хос ва бетакрордир. Улар орасида Самарқанддаги Шоҳизинда меъморий мажмуаси ҳамда Бухородаги Баёнқулихон мақбарасидан келтирилган кошин парчалари, X асрга мансуб, Афросиёб харобаларидан топилган сопол идишлар, Сурхондарё вилояти ҳудудидан (Чағониён) топилган археологик топилмалар, Бухоро амирлиги даврига оид кашталар, тикилган кийим-кечаклар, меҳнат қуроллари, зардўзлик ва уй-рўзғор буюмлари, от анжомлари, Хива хонлигида ясалган тақинчоқларни мисол келтириш мумкин. Германияда сақланаётган Ҳайдар Хоразмийнинг уйғур ёзувидаги “Махзанул-асрор” достони, буюк олим ва ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг “Зижи Кўрагоний” жадвали, Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Лисонут-тайр”, “Маҳбуб-ул-қулуб”, “Хамсатул-мутахаййирин” асарлари, Ҳусайн Бойқаро девони ҳам тадқиқотчилар учун жуда катта хазина бўла олади.

Ўзбекистонга оид нодир бу дурдоналар халқимизда, айниқса, ёшларимизда Ватанимиз тарихидан фахрланиш туйғуларини кучайтиради, шу билан бирга, буюк ўтмишимизни янада чуқурроқ ўрганишга ундайди. Зеро, ўзлигини англаган халқ ва инсонгина ўз даражасидан яна юқорилай олади. Бинобарин, улуғ юнон файласуфи Цицерон такидлаганидек, “Тарихни билмаслик — бир умр гўдак бўлиб қолмоқликдир”.

— Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришларга, хусусан, маданият, санъат соҳаларида кўзга ташланаётган янгиланишларга халқаро ҳамжамият, соҳа мутахассислари ва экспертлари қандай баҳо бермоқда?

— Мамлакатимизда барча соҳа қатори маданият, санъат жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни дунё жамоатчилиги илиқ кутиб олмоқда. Бу, юртимизда ушбу соҳаларни замон талаблари асосида ривожлантиришга доир қабул қилинаётган тарихий ҳужжатлар бўладими ёки Президентимиз ташаббуси билан Шаҳрисабз шаҳрида Халқаро мақом санъати анжумани ёки Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилишининг йўлга қўйилганими — барча қилинаётган ишларни халқаро ҳамжамият, эксперт ва мутахассислар мунтазам кузатиб бормоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан тўла қўллаб-қувватланган “Ўзбекистон маданий мероси жаҳон тўпламларида” мультимедиа лойиҳасини ҳам дунё жамоатчилиги катта қизиқиш билан қабул қилди. Бу Ўзбекистоннинг бой маданий меросини ўрганиш ва тарғиб этишга давлат миқёсидаги эътибор ҳамда ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

Хусусан, ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле хоним бу борада амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берар экан, ушбу фикрларни таъкидлайди: “Маданий мерос — бу авлодлар ва замонларни боғлаб турадиган мустаҳкам ришта. Уни келажак авлодларга етказиш баробарида, бутун дунё аҳли билан ҳам баҳам кўриш мумкин. Шу маънода, Ўзбекистоннинг бу бебаҳо меросни асраш борасида бор имкониятларини ишга солаётгани нафақат шу мамлакат учун, балки бутун жаҳон учун катта аҳамиятга эга”.

Лойиҳа иш бошлаганига уч йилдан кўпроқ вақт бўлди. Шу пайтга қадар 20 дан ортиқ мамлакатларда илмий экспедицияларда бўлиб, турли соҳа вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан суҳбатда бўлдик. Улар ҳайратини яширмай, мазкур лойиҳанинг дунёда бирор-бир муқобили йўқлигини эътироф этишди. Ўз мамлакатида шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш истагини билдирганлар ҳам бўлди.

Ўтган йили юртимизда жамиятимизнинг III халқаро конгресси ва Ўзбекистон маданий мероси ҳафталиги баланд руҳда ўтказилди. Унда қатнашган дунё олимлари, маданият ва санъат намояндалари, халқаро ташкилотлар вакиллари, эксперт ва мутахассислар, умуман, кенг жамоатчилик мамлакатимизда ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг аҳамиятини алоҳида эътироф этди.

> **Фредерик СТАРР,**
> **Америка ташқи сиёсати кенгаши ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти асосчиси ҳамда раиси, профессор:**
>
> *— Ҳаммамиз тарихимиз ҳақидаги тасаввурларга эга бўлиш қанчалик муҳимлигини тушунишимиз керак. Агар одамлар ўз ўтмишини билишмаса, вақт ўтиши билан аждодларнинг буюк кашфиётлари унутилиб бораверади. Ўзбекистон Президенти томонидан мамлакатнинг маданий меросини асраш ва янада оммалаштиришга катта эътибор қаратилаётганидан мамнунман. Бу бошқалар учун ўрнак бўлиши керак.*

Масалан, АҚШдаги Хофстра университетининг Тасвирий санъат, дизайн ва санъат тарихи кафедраси, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё дастури раҳбари Александр Наймарк бу ҳақда шундай дейди: “Бир неча йил аввал Ўзбекистонда бу мамлакатнинг маданий меросини тадқиқ қилиш билан шуғулланадиган юзлаб олимлар жамланишини тасаввур этиш қийин эди. Бу мен учун Ўзбекистонда барча жабҳаларда, жумладан, фан ва маданият тизимида ҳам катта ўзгаришлар бўлаётгани, бу мамлакат дунёга юз очаётганини исбот этадиган “биринчи қалдирғоч” бўлди. Шубҳасиз, бу лойиҳа Ўзбекистон маданияти соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда ҳаракатга келтирувчи кучлардан бири ҳисобланади”.

Конгресс якунида дунё олимлари мамлакатимиз раҳбарига мурожаатнома йўллаб, бу борадаги ишларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор учун миннатдорлик билдиришди ҳамда бундан кейин ҳам ана шу мақсад йўлида бирлашиб, ҳаракат қилишга тайёр эканликларини таъкидлашди.

— Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш борасида бугунги кунда қандай муаммолар мавжуд? Уларни бартараф этиш ва келгуси мақсадларга эришиш учун нималар қилиш керак?

— Муаммо излаган одамга ҳар доим муаммо топилади. Ҳеч бир иш ўз-ўзидан, муаммосиз амалга ошмайди. Шу пайтга қадар Ўзбекистонда яратилган, ҳар хил сабабларга кўра турли мамлакатларга сочилиб кетган маданий бойликларимиз ҳақида маълумот тўплашнинг ўзи бўлмасди. Бу маълумотларни глобал тармоқ орқали “Google” ёки “Википедия”дан осонгина юклаб олишнинг имкони йўқ. Шукрки, кейинги тўрт йилда соҳага муносабат мутлақо ўзгарди. Фаолиятимизга кенг шарт-шароитлар яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий иродаси, юксак билим ва салоҳияти билан мамлакатимиз ташқи сиёсатида юз берган ижобий ўзгаришлар ҳам Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш борасидаги ишларимизни кенг миқёсда олиб боришимизга имконият яратмоқда.

Дунёнинг энг нуфузли музейлари фондида халқимизнинг меҳнати ва ақл-заковати эвазига яратилган минглаб дурдоналар яшириниб ётибди. Биз шу музейлар, кутубхоналар, илмий муассасалар, шахсий коллекциялар раҳбарлари билан алоқага киришиб, улар билан ҳамкорлик ўрнатиш учун ҳаракат қиляпмиз.

Бу борада, албатта, турли вазирлик ва идораларнинг кўрсатаётган ёрдамини алоҳида таъкидлаш керак. Уларсиз биз бундай натижаларга эриша олмасдик. Биз қилган ишлар ҳали денгиздан томчи, холос. Дунёнинг турли ҳудудларида сақланаётган дурдоналаримиз ҳақида яна юзлаб жилд китоблар, фильмлар яратиш, қанчадан-қанча илмий анжуманлар ўтказиш мумкин. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, биздан кучли ирода, меҳнат ва машаққатга ҳозирликни талаб этади.

— Бугун бошланажак Ўзбекистон маданий мероси ҳафталиги ва жамиятнинг навбатдаги конгрессининг аввалгиларидан фарқли жиҳати, ўзига хослиги нимада? Ушбу нуфузли тадбир кенг жамоатчилик учун қандай янгиликларни ваъда қилмоқда?

— Биз ўтган йили белгиланган “йўл харитамиз”да жуда катта ишларни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Афсуски, кутилмаган пандемия кўплаб режаларнинг амалга ошишига тўсқинлик қилди. Шу боис, Ўзбекистон маданий мероси ҳафталигини олдингиларидан фарқли ўлароқ, жорий йилда карантин қоидаларига амал қилган ҳолда, қисман онлайн кўринишда ўтказмоқдамиз.

Шунингдек, дунёнинг турли мамлакатларидан карантин чораларини қўллаган ҳолда, қирққа яқин олимлар ва мутахассисларни чақирганмиз. Бу йилги ҳафталик “Ўзбекистон маданий мероси — учинчи Ренессанс пойдевори” шиори остида ўтади. Бу гал биз яна бир муҳим жиҳат —Ўзбекистон киносанъатининг шонли ўтмиши ва бугунги ютуқлари ҳақида иштирокчиларга кенг маълумот беришни ният қилганмиз. “Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида” туркумида чоп этилаётган китоб-альбомларнинг 20 та янги жилди тақдим қилинади. Бир қатор кўргазмалар, давра суҳбатлари, кўнгилочар тадбирлар режалаштирилган. Навбатдаги ҳафталик ҳам халқимиз маънавий дунёсининг янги қирраларини кашф этишда муҳим қадам бўлишига ишонамиз.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

АГРАР СОҲА:

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Тошкент давлат аграр университетида “Аграр фан назарияси ва амалиётидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари” мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

Тадбир

Университетнинг 90 йиллиги муносабати билан ташкил этилган анжуманда Ўзбекистонда аграр соҳа ривожи учун муносиб ҳисса қўшиб келаётган олимлар, профессор-ўқитувчилар, мустақил изланувчилар ва талабалар иштирок этди. Бундан ташқари, конференцияда ZOOM платформаси орқали университет филиалларидан, илмий-тадқиқот муассасаларидан ҳамда БМТнинг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти ташкилоти (ФАО), Жанубий Кореянинг KOICA ташкилоти ва бошқа нуфузли ташкилотлар, илмий муассасалар вакиллари қатнашди.

— Университетимиз қошида иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича 22 та илмий тўгарак фаолияти йўлга қўйилган, — дейди университетнинг иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Маъмура Халилова. — Бунинг натижасида 440 дан зиёд талабаларимиз нафақат мамлакатимизда, балки дунё миқёсидаги турли илм-фан, инновацион йўналишлардаги лойиҳаларда иштирок этиб келмоқда. Ўзим эса бугунги халқаро конференцияда тут-ипак қуртининг жинси нишонланган зотлари иштирокида янги дурагай яратиш бўйича илмий маърузам билан иштирок этяпман. Мавжуд фермер хўжаликларида наслчилик станциялари, уруғчилик корхоналарида тут-ипак қурти кичик жонзот бўлганлиги сабабли уни жинсларга ажратиш бир қадар мураккаб жараён ҳисобланади. Яъни инсон омили ёрдамида, етиштирилган пиллалар кесилиб, уларнинг ғумбагига визуал тарзда қаралиб эркак ёки урғочига ажратилади. Жараён қийин, кўп вақт ва маблағ талаб қилади. Биз илмий жамоамиз билан бундай мураккаб жараённинг ечимини топишга муваффақ бўлдик, яъни жинси нишонланган тизимлар яратилган эди. Биз улар орасидан оддий ва нишонланган тизимларни ўзаро чатиштириш натижасида тут-ипак қуртини жинси икки рангга ажраладиган зотни яратишга муваффақ бўлдик. “Зарафшон-2” деб номлаган ишимизга муаллифлик ҳуқуқини олиш арафасидамиз. Келгусида мазкур зотдаги ипак-қуртини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизга тақдим этиш ниятимиз бор. Бу илмий иш Ўзбекистоннинг пиллачилик иқтисодиётига кўмак бўлади, деб ишонамиз.

Конференция 13 та шуъбада иш олиб борди. Сўзга чиққанлар ўз маърузалари орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича вазифалар, соҳа олдидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Конференцияда Тошкент давлат аграр университети ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган 30 нафар фидойи олимга эсдалик совғалари топширилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари куни ҳамда университетнинг 90 йиллик юбилейи муносабати билан 6 нафар профессор-ўқитувчилар “Қишлоқ хўжалиги фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Инобат АҲАТОВА
(«Халқ сўзи»).

ЭЪЛОН

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг диққатига!

ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 5 январь куни, соат 11.00 дан бошлаб Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй манзилида жойлашган «Микрокредитбанк» АТБ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби:

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки бошқаруви фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларини («KPI»ни) тасдиқлаш.

«Микрокредитбанк» АТБ кузатув кенгашининг 2020 йил 14 декабрь кунги мажлиси қарорига асосан, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2020 йил 29 декабрь куни ҳолатига ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 14 декабрь куни ҳолатига тузилади.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2021 йил 5 январь куни соат 10.00 дан 10.50 гача давом этади.

Акциядорлар умумий йиғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида қатнашади, юридик шахс номидан берилган ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жисмоний шахс номидан берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши видеоконференцалоқа тарзида ўтказилса, бу ҳақда қўшимча маълумот берилади.

Йиғилиш ўтказиш бўйича қўшимча ахборот, унда кўриладиган масалаларнинг ҳужжатлари билан юқоридаги манзилга ва қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилиш ҳамда банкнинг корпоратив веб-сайти (www.mikrokreditbank.uz) орқали танишиш мумкин.
Телефон: 71-202-99-99 (1192).

Банк кузатув кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати жамоаси Сенат девони раҳбари Абдусабит Зияевга волидаи муҳтарамаси
САКИНА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик ходими Тоҳир Истатовга отаси
Аҳад ИСТАТОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1256. 29 828 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 22.10 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6